



КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, ТАСНИФИ ҲАМДА РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Абдуллаев Ғайрат Жуман ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратураси
“Ташкилий-стратегик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси
подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8060194>

ARTICLE INFO

Received: 12th June 2023

Accepted: 19th June 2023

Online: 20th June 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Комплаенс назорат тизимини жорий этишда биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири коррупциявий омилларни таҳлил қилиш лозим бўлади. Нега деганда коррупциявий омилларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда динамикаси ва даражасидан келиб чиққан ҳолда комплаенс назорат тизими жорий этилади. Бошқача қилиб айтганда коррупциявий омиллар бирламчи, комплаенс назорат тизими эса иккиламчи ҳисобланади.

Таҳлиллар ва ўрганишлар коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу тушунчанинг қандай англаниши ва унинг амалиётда қанчалик ўз ифодасини топишига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ўзбек лексиконида коррупция асосан “пора” сифатида тушунилади¹.

Ж. Ширинов ҳам таниш-билиш йўли билан ўз яқинларини лавозимга тайинлаш, давлат функцияларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви, муайян масалани ҳал этишда қиммат баҳо совғалар бериш ва олиш, давлат хизматчисининг бизнесга ноқонуний “раҳнамолик” қилиши, мансабини суиистеъмол қилган ҳолда фуқароларда ҳуқуқини талаб қилиш истагини йўқотиш, бошқарувда ҳийла-найранг (сайловларни сохталаштириш, айрим гуруҳ манфаати йўлида адолатсиз қарор қабул қилиш), суднинг мустақиллигига даҳл қилиш, сунъий танқисликни вужудга келтириш, сиёсатчиларнинг халққа “яхши киши бўлиб кўриниши” учун ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда давлат хизматларини кўрсатиши кабилар коррупция ҳисобланиши, аммо миллий қонунчилигимизда коррупциявий жиноятларнинг тоифалари аниқ эмаслиги, кўпинча, пора бериш ва пора олиш ва шукаби бошқа жиноятларни коррупциявий жиноят деб ҳисобланаётганлигини таъкидлайди². “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази

¹ Изоҳ: “Пора” сўзи форсчадан олинган бўлиб, ўзбек тилида “майда пул”, “чақа”, “хайр садақа” сингари маъноларни англатган ҳолда бирор ишни ноқонуний ҳал қилиб берганлик учун мансабдор шахсга бериладиган ёки берилган нарса (пул) сифатида тушунилган.

² J. Shirinov. Korruptsiyaga qarshilik urushidaparlamentningroli // <https://uacd.uz/index.php/journal/article/view/54/55>



билан ҳамкорликда ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусидаги ижтимоий сўров натижаларига кўра, аксарият респондентлар коррупцияни “порахўрлик, пора олиш ва/ёки пора бериш” (47,3%) деб тушунган бўлса, яна қолган қисми эса коррупцияни “ўз манфаати йўлидаги қонунга хилоф, ноқонуний ҳаракатлар” (27,2%) ҳамда “ижтимоий хатти-ҳаракатнинг ахлоқ қоидаларига хилоф тури” (12,2%) деб ҳисоблашини маълум қилган³. Бу шуни англатадики, ижтимоий онгда коррупция жуда тор мазмунда асосан пора, яъни пора бериш ва пора олиш сифатида тушуниланган. Бу ўз навбатида бошқа коррупциявий омилларнинг эътибордан четда қолишига олиб келган. Масалан бугунги кунда қонунчилигимизда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва интизомий жавобгарликнинг ривожланмаганлиги ҳам бунинг далилидир.

Шу билан бирга бугунги кунда қонунчилигимизда “непотизм” тушунчасининг мавжуд эмаслиги ҳам коррупцияга қарши курашишда муҳим масалалардан бири бўлган қариндош-уруғчиликнинг олдини олиш механизмининг тўла шаклланмай қолишига олиб келган.

Коррупция қанчалик теран ва чуқур англандар экан унга қарши курашиш масалаларини ҳам шунчалик самарали белгилаш мумкин. Масалан Жиноят кодексининг 121-моддасида аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик учун жиноий жавобгарлик бўлиб мазкур жиноят жинсий эркинликка қарши жиноятлар туркумига киради. Бироқ ривожланган давлатларда эса ҳокимият ваколатларидан фойдаланган ҳолда аёлнинг жинсий алоқада бўлишини талаб қилиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик sextortion, деб баҳоланади ва Transparency International ташкилоти ҳар йили 8 март арафасида «жинсий хизматларни талаб қилиш» (ёки инг. sextortion) ҳолатлари бўйича халқаро ҳисоботини эълон қилади⁴.

АҚШлик тадқиқотчи Brigitte Zimmerman ҳам ўз тадқиқотларида коррупцияга қарши курашишда иштирок этиш истаги фуқаролар томонидан коррупциянинг турли шакллари қандай қабул қилишлари, уларнинг ижтимоий муҳитида, маданий анъаналарида қандай баҳолаларига бевосита боғлиқлиги тўғрисида муҳим илмий натижаларни қайт этган⁵.

Шундай қилиб, коррупцияга қарши курашиш уни қандай тушунишга жиддий боғлиқ (масалан давлат хизматларини кўрсатишда қўшимча хизмат кўрсатиш эвазига ҳақ олиш айрим ҳолларда хизматини пулга айрибошлаш сифатида тушунилиб коррупция сифатида баҳоланмаслиги мумкинлиги⁶). Энг муҳими менталитет ва қонунларда коррупция бир хил тушунилиши керак. Борди-ю қонунларда коррупция

³ Коррупция ҳолати ва омиллари тўғрисида жамоатчилик фикри ўрганилди (1-қисм) // <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/17/korruptsiya-holati-va-omillari-togrisida-zhamoatchilik-fikri-organildi-1-maqola>.

⁴ «Вымогательства сексуальных услуг» (или сексторшн от англ. sextortion) // <https://transparency.org.ru/research/drugie-issledovaniya/vymogatelstvo-seksualnykh-uslug-ostaetsya-beznakazannym-vo-vsem-mire-doklad-transparency-international>.

⁵ Brigitte Zimmerman. Transparency, Sanctioning Capacity, and Corruption Displacement: Multi-Method Evidence from Local Government in Malawi // https://escholarship.org/content/qt0q7490dw/qt0q7490dw_noSplash_fa8dfb5f2ac45b81d761ede4a2adc372.pdf.

⁶ Юсупов Ю. Особенности национальной коррупции, или как победить чиновничий «бизнес» в Узбекистане // <https://kun.uz/ru/news/2019/01/26/osobennosti-natsionalnoy-korrupsiy-ili-kak-pobedit-chinovnichiy-biznes-v-uzbekistane>.



кенг тушунилганлиги билан менталитетда ва ижтимоий онгда кенг тушунилмаса унда бу қонунларнинг самарали ишлаши даргумон. Кўплаб экспертлар ҳам коррупциявий омиллар миллий менталитет ва урф-одатлар билан боғлиқлигини таъкидлашади⁷.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши курашишда нафақат “коррупция” тушунчасини, шу билан бирга “коррупцияга қарши курашиш” тушунчасини ҳам ойдинлаштириб олиш лозим бўлади. Масалан, кўплаб давлатларнинг қонунчилигида “коррупцияга қарши курашиш” тушунчасининг таърифи берилган⁸.

Бугунги кунда коррупцияни вужудга келтирувчи омиллар турли ракурслардан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Илмий-назарий жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш масаласи нафақат ҳуқуқий фанларнинг, айти чоғда бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам муҳим мавзуларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, фалсафа, социология, педагогика, психология каби фанлар доирасида ҳам коррупцияга қарши курашиш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Коррупцияга қарши курашиш масаласи битта фан доирасида анча кенг мавзу ҳисобланади. Бу борада В.Н. Лопатиннинг “Коррупцияга қарши курашиш – нафақат жиноят ҳуқуқининг муаммоси, балки умум юридик, ижтимоий ва сиёсий муаммо ҳисобланади” деган фикрига⁹ тўлиқ қўшилиш мумкин. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, криминология фанлари доирасида коррупцияга қарши курашиш масалалари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилади.

Коррупциявий омил тушунчасининг лингвистик ҳамда ҳуқуқий мазмунида ҳам бирмунча фарқ бор. Хусусан агарда биз ушбу тушунчани фақат лингвистик жиҳатдан тушунадиган бўлсак, коррупция ҳамда коррупциявий омилларни торроқ тушунамиз. Бошқача айтганда соф, лингвистик жиҳатдан коррупциявий омил тушунчаси бироз жўн мазмун касб этади.

Б.И. Исроилов ҳамда Э.Ф. Гадоевлар коррупциявий омилларни жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ўзгариши ва тарқалишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар сифатида тушунтиришади¹⁰. Бизнинг назаримизда, мазкур таърифни бироз тўлдириш лозим. Ушбу таърифта коррупциявий омиллар “ҳодиса ва жараёнлар” сифатида тушунтирилган. Аммо ҳодиса ва жараёнлар динамик характерга эга бўлиб асосан коррупциявий омилларнинг эволюцияси, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши жараёнлари учун хизмат қилади. Коррупциявий омилларнинг барқарорлигини

⁷ Урф-одатларимиз коррупция учун никоб бўляпти // <https://kun.uz/news/2022/03/20/urf-odatlarimiz-korrupsiya-uchun-niqob-bolyarti-ekspert-bilan-suhbat>.

⁸ Жумладан, Қозоғистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан жамиятда коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш, коррупциянинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фош этиш, уларга чек қўйиш, тергов қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолияти сифатида белгиланган. (Россия Федерацияси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон Республикаларининг ҳам тегишли қонунларида “коррупцияга қарши курашиш” тушунчаларининг таърифи берилган).

⁹ Лопатин В.Н. О системном подходе в антикоррупционной политике / В.Н. Лопатин // Государство и право. – 2001. – № 7. – С. 23.

¹⁰ Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изохли луғати. Тошкент, 2019. – б. 29.



таъминловчи статик муҳит муаллифларнинг эътиборидан четда қолган. Мазкур статик муҳит коррупциянинг барқарорлиги учун хизмат қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, коррупциявий омиллар ҳодисалар, жараёнлар ва ҳолатлардан иборатдир. Яна бошқа кўплаб манбаларда эса коррупциявий омиллар норматив омил сифатида бирёқлама талқин қилинганлигини кузатиш мумкин¹¹.

Коррупциявий омил тушунчаси ўз мазмунига кўра коррупциявий хавф тушунчасига яқин туради. Коррупциявий хавф адабиётларда таъкидланганидек, давлат органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари имкони юқори бўлган хизмат муҳити ҳисобланади¹². Коррупциявий омил эса кенгроқ мазмунга эга. Аммо коррупциявий хавф тушунчасини «ютиб» юбормайди. Шунингдек, коррупциявий омил криминологиядаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт шароитларига ҳам анча яқин тушунча ҳисобланади.

Криминологияда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар бирга қўллансада аслида мустақил маънода тушунилади. Коррупциявий омил ҳам сабабни ҳам шарт-шароитни бир пайтда ўзида ифодалайди. Шу билан бирга криминологиядаги сабаблар асосан индивидуал шахсга боғлаб тушунтирилади. Биз эса коррупциявий омил тушунчаси таркибидаги сабабларни индивидуал шахс ва уни ўраб турган муҳит – жамиятга («ижтимоий шахс»га) ҳам боғлаган ҳолда тушуниш лозим деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда, ижтимоий онг ва ижтимоий қадриятлар бутун жамиятга нисбатан ишлатилади. Шу сабабли коррупцияда нафақат шахсни, айти пайтда унинг ижтимоийлашувига таъсир қилган жамиятни ҳам айблаш ўринлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, *коррупциявий омиллар* коррупциянинг вужудга келиши, ривожланиши ва ўз мавжудлигини сақлаб қолиш учун сабаб бўладиган ҳамда имкон берган ҳолатлар, вазиятлар ҳамда жараёнлар ҳисобланади.

Мазкур ҳолатлар ва вазиятлар ҳамда жараёнлар жудаям турли-туман (моддий) муҳитда, ижтимоий ва индивидуал онгда юз беради. Бошқача айтганда, биз коррупциявий омилларни маълум бир фанлар доирасида бор бўйи билан кўра олмаймиз ва албатта унга қарши стратегияни ҳам ишлаб чиқолмаймиз. Шу сабабли

¹¹ Глоссарий юридических терминов по антикоррупционной тематике : словарь-справочник / сост. Н.А. Власенко, А.М. Цирин, Е.И. Спектор [и др.]. — М. : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2016. — с. 52., Коррупциогенные факторы: понятие, виды, проблемы их практического применения // <https://www.airmgn.ru/pravovaya-informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/21-passengers/informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/142-korrupsiogennye-factory-teoriya-i-praktika-primeniya>, <file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennye-factory-ponyatie-vidy-problemy-ih-prakticheskogo-primeniya.pdf>, Барабаши О.В. «Коррупциогенный фактор» как юридический термин: структура, содержание, дефиниция // [file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennyy-faktor-kak-yuridicheskij-termin-struktura-soderzhanie-definitsiya%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennyy-faktor-kak-yuridicheskij-termin-struktura-soderzhanie-definitsiya%20(1).pdf).

¹² Глоссарий юридических терминов по антикоррупционной тематике : словарь-справочник / сост. Н.А. Власенко, А.М. Цирин, Е.И. Спектор [и др.]. — М. : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2016. — с. 83., Коррупциогенные факторы: понятие, виды, проблемы их практического применения // <https://www.airmgn.ru/pravovaya-informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/21-passengers/informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/142-korrupsiogennye-factory-teoriya-i-praktika-primeniya>, <file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennye-factory-ponyatie-vidy-problemy-ih-prakticheskogo-primeniya.pdf>.



коррупциявий омилларни турли фанлар доирасидаги яхлит ракурс бўйича кўриб чиқиш ўринлидир. Бу борада Қ.Р. Абдурасулова ҳам бугунги кунда юридик фанлар бўйича тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида коррупциянинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларига бағишланган бинар тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди¹³.

Тадқиқотимиз жараёнида коррупция ва коррупциявий омилларни фанлар ва соҳалараро комплекс ва яхлит тушуниш коррупцияга қарши курашишда синергетик эффектга эришиш имконини бериши мумкин деган хулосага келинди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида коррупция тушунчасига берилган таъриф коррупцияга оид барча ҳуқуқбузарликларни қамраб олмайди. Чунончи ушбу таърифда коррупция шахсининг **ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши** сифатида назарда тутилган. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик сифатида назарда тутилган нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (МЖТК 611-м.), давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (МЖТК 193¹-м.) ҳамда пора бериш (ЖК 211-м.) ва пора бериш-олишда воситачилик қилиш (ЖК 201²-м.) ҳолатлари ҳеч қандай мансаб ёки хизмат мавқеига эга бўлмаган шахслар ҳам содир этиши мумкин. Бундан ташқари, коррупция учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам юқоридаги таърифнинг мазмунидан четда қолган. Шу сабабли коррупция тушунчасига “шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши, **шунингдек коррупция учун шарт-шароит яратиш**”, деган мазмунда таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, коррупциявий омилларни ҳодиса сифатида бир ёки бир неч омиллар билан тушунтириш мумкин эмас. Бу борада яхлит тасаввурларгина тугал хулосага эриши имконини беради.

Коррупциявий омилларнинг бири сифатида *ҳуқуқий омиллар* турли ракурслардан ўрганилган. Бу борадаги тадқиқотларни кузатиш натижасида улар ҳақида шундай хулосага келиндикки, коррупция ва коррупциявий омиллар ҳуқуқий нуқтаи назардан асосан қуйидаги йўналишларда тадқиқ этилган:

жиноий-ҳуқуқий ва криминалогик нуқтаи назардан коррупция ва коррупциявий омиллар, қилмишни квалификация қилиш, унинг олдини олиш (коррупциянинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш),

¹³ Қ.Р. Абдурасулова. Юридик фанлар бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ва уларни такомиллаштириш // *Фан ва таълим замонавий босқичда: ислохотлар ва стратегик йўналишлар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари* (2021 йил 29 сентябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021 – 93 б.



коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг криминологик тавсифи доирасида тадқиқ этилган¹⁴. Масалан, Г.Б. Нурмухамедова коррупцияга қарши курашиш тушунчасини коррупцияга қарши курашиш субъектларининг доимий равишда коррупция профилактикаси (коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш), коррупцияга қарши жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали курашиш (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш) ҳамда коррупция оқибатларини бартараф қилиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган тизимли фаолият сифатида талқин қилган¹⁵. Жиноий-ҳуқуқий ва криминологик нуқтаи назардан коррупция асосан жиноий қилмиш, ўзининг маълум сабаб ва шарт шароитларига эга салбий жиноий ҳодиса сифатида талқин этилади.

Тадқиқот жараёнида шунинг гувоҳи бўлдики, коррупцияни тўғридан-тўғри жиноят сифатида тушуниш асосан жиноят ҳуқуқи ва криминология фанига хос ҳодиса саналади. Бунинг ижобий жиҳати шундаки, коррупция жиноят сифатида тушунилар экан у жамият ва давлат томонидан қатъий “табулашган” ҳамда албатта жазога тортилиши керак бўлган қилмиш сифатида тушунилади. Шу билан бирга коррупцияни

¹⁴ Нурмухамедова Г.Б. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш: дис. афтореф ... ю.ф.б.ф.д – Тошкент, 2021. – 57 б., *Абрамовская О.Р.* Противодействие коррупционной преступности в органах государственной власти и местного самоуправления (криминологический аспект): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2011. – 26 с., *Аникин А.А.* Взятничество как коррупционное преступление и меры противодействия ему: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток, 2009. – 27 с., *Астанин А.А.* Антикоррупционная политика россии: криминологические аспекты: Автореф. дис. ... док-ра. юрид. наук. – Москва, 2011. – 37 с., *Балебанова Т.А.* Современное состояние коррупции в здравоохранении россии и меры ее предупреждения: криминологическое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2013. – 21 с., *Богуш Г.И.* Коррупция и международное сотрудничество в борьбе с ней: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2004. – 26 с., *Брякин Н.Н.* Криминологическая характеристика взяточничества в органах государственной власти: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2010. – 30 с., *Головки С.А.* Противодействие коррупционной преступности в России: ретроспектива, современность и перспективы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2006. – 25 с., *Максимов В.К.* Понятие коррупции (криминологический аспект) и меры ее предупреждения в государственном аппарате: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2005. – 31 с., *Мамедов И.А.* Уголовно-правовые средства противодействия коррупции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2011. – 24 с., *Марыина Е.В.* Коррупционные преступления: отраслевое и межотраслевое согласование норм: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Самара, 2011. – 24 с., *Мелекаев Р.У.* Определение и предупреждение коррупциогенности законодательства российской федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – 24 с., *Нурализода В.* Уголовная ответственность за взяточничество в Республике Таджикистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2019. – 31 с., *Онуфриенко А.В.* Система преступлений коррупционной направленности: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2015. – 234 с., *Плохов С.В.* Противодействие коррупционной преступности в социальной сфере (на примере здравоохранения и образования волгоградской и саратовской областей): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2013. – 25 с., *Стефанишин С.С.* Предупреждение коррупционных преступлений в зарубежных странах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2005. – 27 с., *Сторчилова Н.В.* Коррупция в органах внутренних дел и ее предупреждение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010. – 27 с., *Умаров Х.А.* Противодействие коррупции в республике таджикистан: уголовно-правовые и криминологические аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2007. – 19 с., *Фадеев А.В.* Антикоррупционное законодательство России и зарубежных стран: криминологическое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2012. – 34 с., *Хлонова Н.В.* Коррупция в системе государственной службы России и Германии и ее предупреждение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Владивосток, 2011. – 27 с., *Чершинцев В.С.* Предупреждение коррупционных преступлений на муниципальном уровне: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2008. – 25 с.

¹⁵ Нурмухамедова Г.Б. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш: дис. афтореф ... ю.ф.б.ф.д – Тошкент, 2021. – б 19.



фақат жиноят сифатида тушуниш унинг маъмурий-ҳуқуқий, фуқаровий ҳамда интизомий жиҳатларини эътибордан четда қолишига олиб келади.

А.В. Куракин ҳам ўз тадқиқотларида давлат хизматлари тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш механизмида жиноий-ҳуқуқий воситалар устунлик қилаётгани, аммо жиноят учун жазолаш чоралари давлат учун жуда қимматга тушиши, қолаверса жиноят-ҳуқуқий воситаларни амалга ошириш натижасида коррупциянинг шакллари ўзгариши, бунинг натижасида жиноят ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш орқали уларга қарши курашиш самарасиз бўлиб қолиши тўғрисида фикр юритади¹⁶;

маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан коррупциявий омиллар асосан қуйидаги икки йўналишда тадқиқ этилган:

биринчиси – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупциявий омиллар ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича талабларни назарда тутувчи тадқиқотлар¹⁷. Бу борадаги айрим тадқиқотларда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги махсус қонунни қабул қилиш лозимлиги тўғрисида фикр билдирилмоқда¹⁸. Шу билан бирга мазкур йўналишдаги тадқиқотларда асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳаларидаги коррупциявий омиллар ва уларни аниқлаш методологияси тадқиқ этилган. Масалан, О.Р. Файзиев коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият яратадиган коррупциявий омилларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиб кўрсатган: 1) ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни қўллаш имкониятини белгилловчи коррупциявий омиллар; 2) жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган коррупциявий омиллар; 3) ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар¹⁹. Бизнинг назаримизда мазкур омилларни яна давом эттириш мумкин. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги, битта соҳанинг кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши, иерархик тартибга солишдаги мувозанатининг бузилганлиги, хусусан ҳуқуқий тартибга солишда идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўплиги;

иккинчиси – коррупциянинг асосан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида пайдо бўлиши, ривожланиши ва сақланиб қолиши тўғрисидаги тадқиқотлар. Мазкур

¹⁶ Куракин А.В. Административно-правовые средства предупреждения и пресечения коррупции в системе государственной службы Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Люберцы, 2008. – с. 20.

¹⁷ Файзиев О.Р. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш: дис. автореф ... ю.ф.б.ф.д – Тошкент, 2018. – б 69. Балдин А.К. Правовые вопросы организации проведения антикоррупционной экспертизы нормативных правовых актов органами миноста россии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2014. – 27 с., Ермакова А.В. Антикоррупционная экспертиза как элемент законодательного процесса в субъектах Российской Федерации (на примере субъектов Российской Федерации, входящих в южный федеральный округ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2014. – 25 с.

¹⁸ Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: дис. афтореф ... юрид. фан. док-ри – Тошкент, 2018. – б 29.

¹⁹ Файзиев О.Р. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш: дис. афтореф ... ю.ф.б.ф.д – Тошкент, 2018. – б 16.



йўналишда коррупциявий омиллар нисбатан кенгроқ ёритилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин²⁰. Масалан, Д.А. Повный таълим соҳасидаги коррупциявий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатади: таълим соҳасидаги қонунчиликнинг тарқоқлиги ва номувофиқлиги; маҳаллий таълимнинг сифати ва нуфузининг тушиб кетганлиги; талабалар онгида хулқ-атворнинг чекланган модели (хуқуқий инфантилизм ва хуқуқий нигилизм)нинг илдиз отганлиги²¹.

Цивилистик жиҳатдан коррупциявий омиллар нисбатан кам ўрганилган. Афтидан бунга Собиқ иттифоқ даврида шаклланган ва қисман стереотипга айланган “коррупция давлат бошқарувида бўлади деган” қарашлар ҳамда уларнинг хуқуқ ижодкорлигидаги инъикоси сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Цивилистик тадқиқотларда коррупциянинг хусусий сектор ҳамда давлат-хусусий шерикчилиги соҳасида вужудга келишига оид масалалар ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг фуқаролик-хуқуқий воситалари ўрганилган²². Коррупцияга қарши курашишнинг фуқаровий-хуқуқий воситалари бугунги кунда мамлакатимизда

²⁰ *Ватель А.Ю.* Административно-правовое регулирование антикоррупционных стандартов служебного поведения госуд арственных гражданских служащих: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2013. – 22 с., *Вовк А.А.* Административно-правовые средства противодействия коррупции в органах внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2019. – 26 с., *Колчеманов Д.Н.* Административно-правовое регулирование противодействия коррупции в системах государственной службы зарубежных государств и возможности использования зарубежного опыта в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2009. – 21 с., *Кошелев В.Н.* Административно-правовой механизм противодействия коррупции и обеспечения собственной безопасности органов внутренних дел Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2009. – 24 с., *Куракин А.В.* Административно-правовые средства предупреждения и пресечения коррупции в системе государственной службы Российской Федерации: Автореф. дис. ... док-ра. юрид. наук. – Люберцы, 2008. – 48 с., *Ломов А.М.* Административно-правовые аспекты противодействия коррупции в органах внутренних дел Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2009. – 22 с., *Повный Д.А.* Административные процедуры как средство противодействия коррупции в образовании Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2011. – 23 с., *Полукаров А.В.* Административно-правовое регулирование противодействия коррупции в социальной сфере: Автореф. дис. ... док-ра. юрид. наук. – Москва, 2020. – 30 с., *Севрюгин К.В.* Противодействие коррупции в системе государственной гражданской службы Российской Федерации: административно-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2011. – 21 с., *Сорокин Р.С.* Увольнение с государственной службы как мера противодействия коррупции: административно-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2016. – 23 с., *Чистов А.А.* Административно-правовое регулирование противодействия коррупции в федеральных органах исполнительной власти в современных условиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2010. – 26 с.

²¹ *Повный Д.А.* Административные процедуры как средство противодействия коррупции в образовании Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2011. – с 15.

²² *Блинова Е.О., Пустовалова И.Н.* Гражданско-правовые меры предупреждения коррупции // Современные наукоемкие технологии. – 2013. – № 6. – С. 139-140, *Ботнев.А.* Гражданско-правовое регулирование противодействия коррупции в бизнесе // государственная служба, 2015, №4 (96)., *Желонкин С.С.* Гражданско-правовые институты на страже борьбы с коррупцией // Юридические науки. N 4. 2015. (file:///C:/Users/1/Downloads/grazhdansko-pravovye-instituty-na-strazhe-borby-s-korrupsiyey.pdf). *Доронина Н.Г., Семилютин Н.Г.* Гражданское законодательство как инструмент противодействия коррупции: особенности российского и зарубежного опыта // Гражданское законодательство как инструмент противодействия коррупции: особенности российского и зарубежного опыта.



коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий воситалари ичида унчалик етишмаётган унсурлардан бири ҳисобланади. Страсбургда 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган “Коррупция бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияда муҳим қоидалар ўз ифодасини топган. Хусусан, Конвенцияга аъзо бўлган мамлакатлар учун коррупция натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг фуқаровий-ҳуқуқий (мулкӣ) воситаларини белгилаш тўғрисидаги норма²³ коррупциянинг оқибатларини тўла қайта тиклашга қилишга хизмат қилади. Айрим муаллифлар ҳам коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштириш коррупция натижасида ноқонуний равишда кўрсатилган хизматлар қийматини айбдор давлат хизматчисидан ундириш, шунингдек коррупцион ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш имкониятларини оширади деган мазмундаги фикрни билдиришади²⁴. Чиндан ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик универсал ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг моддий оқибатларини бартараф этишнинг универсал воситаси ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимиз миллий қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини ривожлантириш муҳим натижаларга эришиш имконини беради.

Шундай қилиб, коррупциянинг ҳуқуқий омиллари сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ҳолда вужудга келадиган омилларни тушуниш лозим ва улар сирасига қуйидагилар киради: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омиллар; ижтимоий муносабатларни иерахик ҳуқуқий тартибга солиш мувозанатининг бузилиши билан боғлиқ омиллар; давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишда бюрократик ва ёпиқ тизимнинг вужудга келганлиги; давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарасизлиги; коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни квалификация қилиш ҳамда жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда механизми билан боғлиқ камчиликлар ва муаммолар.

Коррупциянинг сиёсий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш унга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Коррупциянинг сиёсий омиллари сиёсий тузимнинг коррупцияга қарши курашишдаги позицияси ва сиёсий иродаси, коррупцияга қарши курашишнинг сиёсий компонентлари, коррупцияга қарши курашишнинг сиёсий-ғоявий технологиялари ва механизмлари билан боғлиқликда тадқиқ этилган. Шу билан бирга айрим сиёсий тадқиқотларда коррупцияга қарши курашишнинг миллий ва минтақавий моделлари тадқиқ этилган²⁵.

²³ Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию // <https://rm.coe.int/168007f58d>

²⁴ Куракин А.В. Административно-правовые средства предупреждения и пресечения коррупции в системе государственной службы Российской Федерации: Автореф. дис. ... док-ра. юрид. наук. – Люберцы, 2008. Ст.9.

²⁵ Гридякин Д.А. Противодействие коррупции в органах государственной власти в современной России: политологический аспект: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Краснодар, 2009. – 26 с., Зарандия Д.А. Политическая коррупция как форма теневой власти: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Ростов-на-Дону, 2012. – 25 с., Захаров А.В. Политико-административные факторы антикоррупционных реформ в публичном управлении в период системной трансформации: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Санкт-Петербург, 2007. – 22 с., Идрисов Э.З. Средства массовой информации в системе антикоррупционной политики современной России: Автореф. дис. ... канд.



Д.А. Гридякин давлат органларининг коррупцияга қарши курашишдаги сиёсий-ғоявий механизмнинг асосий таркибий элементлари сифатида: фуқароларда коррупцияга қарши курашиш бўйича менталитетни шакллантириш; ҳалоллик кодексини ишлаб чиқиш; ОАВнинг коррупция бўйича ахборот олиш эркинлигини таъминлашни назарда тутди²⁶.

Шу билан бирга сўнги йилларда коррупциянинг гўёки “легитим”лиги таъминлашнинг янги шакли сифатида “state capture” ҳақида ҳам сўз юритилмоқда. Мазкур тушунча дастлаб Жаҳон банки томонидан 2000 йилларда Марказий Осиёнинг айрим мамлакатларидаги коррупциявий гуруҳлар ўзларининг иқтисодий мавқеларини мустаҳкамлаш учун ҳукуматнинг тегишли қарорларини қабул қилиш учун давлат амалдорларига ўз таъсиридан фойдаланган ҳолатларни ифодалаш учун ишлатилган²⁷. Бундай ёндашувлар “қонуний коррупция” ҳақида сўз юритиш имконини беради, яъни расман қонуний, моҳиятан амалда коррупциявий ҳолатлар сифатида сиёсий коррупция мазмунини янги имидж билан бойитмоқда.

Бизнинг назаримизда, коррупциянинг сиёсий омиллари сирасига асосан қуйидагиларни киритиш мумкин: коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсий ироданинг етишмаслиги; ҳокимият тизимига непотизм ҳамда кланларнинг суқилиб кириши (сиёсий коррупция); коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарасизлиги; давлат органлари фаолияти устидан жамаотчилик назорати институтининг самарасизлиги; коррупцияга қарши курашишнинг сиёсий-ғоявий технологиялари ва механизмлари самарасизлиги; коррупциянинг давлат бошқаруви усулига айланиши; state capture тизимининг ривожланиши; фуқаролик жамияти институтларининг ривожланмаганлиги; давлат бошқарувининг шаффоф эмаслиги ва ахборот олиш имкониятларининг ёпиқлиги ёки заифлиги.

Коррупциянинг иқтисодий омиллари аввало коррупция иқтисодий жараёнларда вужудга келувчи иқтисодий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шу жумладан коррупция феноменининг иқтисодий мазмунини ва унга қарши курашишнинг иқтисодий

полит. наук. – Пятигорск, 2013. – 25 с., *Копачёв В.П.* Антикоррупционная политика в современной России: субъекты, стратегии, механизмы: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Астрахань, 2013. – 26 с., *Мачаладзе Л.З.* Проблемы формирования антикоррупционной политики в современной России: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Москва, 2007. – 27 с., *Народицкий Ю.О.* Политическая сущность коррупции и механизмы противодействия ей в системе обеспечения национальной безопасности России: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Москва, 2011. – 22 с., *Новиков С.Ю.* Антикоррупционная политика Российского государства в современных условиях: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Ставрополь, 2009. – 23 с., *Самсонов А.А.* Основные направления трансформации государственной антикоррупционной политики в современных условиях: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Ростов-на-Дону, 2010. – 23 с., *Скоробогатова А.В.* Институциональная коррупция в системе государственного управления: пути и механизмы противодействия в современном российском обществе: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Москва, 2019. – 26 с., *Суханов В.А.* Международное сотрудничество в борьбе с коррупцией в органах власти: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Москва, 2014. – 24 с.

²⁶ *Гридякин Д.А.* Противодействие коррупции в органах государственной власти в современной России: политологический аспект: Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Краснодар, 2009. – с. 12

²⁷ Crabtree, John; Durand, Francisco (2017). Peru: Elite Power and Political Capture. London, United Kingdom: Zed Books Ltd. p. 1. ISBN 978-1-78360-904-8.



воспиталари, коррупциянинг иқтисодий оқибатлари (зарарлари) очиб берилди²⁸. Ҳатто айрим иқтисодчилар коррупциянинг фойдали жиҳатлари ҳақида сўз юритишади²⁹. Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун яширин иқтисодиёт маълум жараёнларда фойдали ҳам бўлиши мумкинлиги, чунки яширин иқтисодиёт аҳолига давлат ва “оқ” иқтисодиёт бера олмайдиган имтиёзларни тақдим эта олиши тўғрисида хулосалар олинаётганлиги айниқса хавотирлидир. Чунки мазкур хулосалар коррупцияга қарши нигилистик тафаккурни қўллаб-қувватлайди.

Шу билан бирга коррупциянинг асосий омилларидан бири иқтисодий омиллар ҳисобланади. Айниқса бу хусусият ривожланмаган ва ривожланаётган давлатлар учун хос бўлган хусусиятлардан бири саналади.

Кўпчилик коррупциянинг иқтисодий омиллари сирасига иқтисодий етишмовчиликларни киритишади. Иш ҳақининг ҳамда ижтимоий тўловларнинг камлиги, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси пастлиги булар албатта муҳим омиллар ҳисобланади. Бироқ биз биринчи галда иқтисодий етишмовчиликларни келтириб чиқарган иқтисодий тизимни (моделни) коррупциянинг асосий иқтисодий омили сифатида тушунамиз.

Коррупциянинг педагогик омиллари коррупциянинг муҳим жиҳатларини ифодалайди. Хусусан, коррупцияга мойил хулқ-атворнинг шаклланиши қонуниятлари ва унинг олдини олишнинг тарбиявий-педагогик воситалари педагогик фанлар доирасида ўрганилади³⁰. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахсда коррупцияга мойил хулқ-атвор мактаб ёшидан шаклланишни бошлар ва олий ўқув юрти даврида тугалланар экан. Шу сабабли шахсда коррупцияга қарши хулқ-атвори шакллантиришда педагогик таълим тарбия муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилиши, давлат таълимни бошқариш органлари таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва

²⁸ *Борисов О.А.* Коррупция как угроза экономической безопасности России: Автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с., *Макаров В.В.* Коррупция как угроза экономической безопасности России: Автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – Москва, 2008. – 16 с., *Нуштаев И.В.* Организационно-экономический инструментальный противодействия теневой экономике и коррупции: Автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – Тамбов, 2012. – 25 с., *Путихин К.Ю.* Антикрупционный кадровый аудит в организациях социальной защиты населения: Автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – Санкт-Петербург, 2021. – 18 с., *Шунаев А.М.* Механизмы противодействия коррупционной угрозе в коммерческом секторе экономики: Дис. ... канд. эконом. наук. – Москва, 2019. – 178 с.

²⁹ *Ҳошимов Б.* Қонун атайин коррупцияга имкон берадиган қилиб ёзилиши мумкин // <https://kun.uz/news/2019/01/21/qonun-atayin-korrupsiyaga-imkon-beradigan-qilib-yozilishi-mumkin-iqtisodchining-korrupsiya-togrisidagi-mulohazalari>.

³⁰ *Рыбалкин Д.А.* Формирование антикоррупционной позиции курсантов вузов МВД России средствами социально-культурной деятельности: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Казань, 2015. – 23 с., *Сергеева Ю.С.* Формирование у студентов - будущих бакалавров юриспруденции компетентности в сфере противодействия коррупции: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Москва, 2018. – 28 с., *Шарапова Е.А.* Формирование антикоррупционной направленности личности в профессиональном воспитании студента вуза: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Краснодар, 2017. – 23 с.



тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиши назарда тутилган³¹.

Коррупциянинг педагогик омиллари шахсга тарбиявий-педагогик таъсир кўрсатиш жараёнида коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш билан боғлиқ нуқсонларда ўз ифодасини топади.

Коррупциянинг фалсафий омиллари коррупцияга қарши курашиш масалаларини анча кенг қамраб олади, бунда коррупция билан боғлиқ фалсафий қонуниятларнинг бошқа фанлар учун ҳам фундаментал аҳамият касб этишини англаб олиш мушкул эмас³². Шу билан бирга коррупция фалсафада умумбашарий муаммо сифатида ўрганилади.

Коррупциянинг фалсафий омиллари комплекс характерга эга бўлиб анча кенг ва чуқур мазмунга эга ҳамда коррупциянинг спецификасига хос барча элементларни ўзида ифодалайди. Хусусан, фалсафанинг онтология, гносеология, ижтимоий фалсафа, этика, аксиология, фалсафий антропология бўлимлари коррупциявий омилларни анча теран англашга ёрдам беради. Айрим мустақил фалсафий фанлар (этика, мантиқ, эстетика) коррупциявий омилларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини фундаментал даражада тушунтириб беради.

Тадқиқотимиз жараёнида фалсафий билимлар нуқтаи назаридан коррупциявий омилларнинг қуйидаги учта жиҳатини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозимлиги тўғрисида хулосага келинди:

биринчи жиҳати коррупция ва коррупциявий омилларни билиш ва тушуниш. Бу масалада биз юқорида ҳам тўхталиб коррупцияга қарши курашишда коррупциявий омиллар ва коррупцияни тушунишнинг аҳамиятига эътибор қаратган эдик. Фалсафий жиҳатдан коррупция ва коррупциявий омилларни анча тўлақонли тушуниш имкони мавжуд;

иккинчи жиҳати қадриятлар масаласи, яъни коррупцияга қарши қадриятларни белгилаш орқали коррупциявий омилларнинг шахс ва жамият томонидан инкор этилишининг ғоявий ва мафкуравий технологияларини яратишга хизмат қилади;

учинчи жиҳати хулқ-атворни белгилаш орқали коррупцияга қарши ахлоқий (хукуқий) стандартларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Шу билан бирга фалсафий дуализм коррупциявий омилларни материалистик ҳамда идеалистик жиҳатдан бир бутунликда тушуниш имконини беради.

Коррупциявий омилларни тушунишда фалсафанинг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, фалсафа коррупцияга оид барча билимларни бирлаштиради (аммо ютиб

³¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3088008>

³² *Исомиддинов Ю.Ю.* Коррупциянинг давлат ва жамият бошқаруви барқарорлигига таъсирини камайтириш механизмлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): автореф. дис. ф.ф.б.ф.д – Самарқанд, 2021. – б 49., *Изотов М.О.* Коррупция в современной России: социокультурные основания и формы проявления: Автореф. дис. ... канд. философских. наук. – Астрахань, 2012. – 24 с., *Токарев Б.Б.* Социально-философское осмысление феномена коррупции: Автореф. дис. ... канд. философских. наук. – Москва, 2011. – 23 с.



юбормайди). Бу эса коррупциявий омилларни тугал ва яхлит тушуниш имконини беради.

Тарихий омиллар коррупциянинг келиб чиқиши, ривожланиши ва тарихий эволюцияси ҳамда тенденциялари қонуниятларини очиб беради³³. Тарихий омиллар орқали коррупциянинг ўзгармас омилларини ҳам ўрганиш мумкин. Бунда тарихий тараққиётнинг барча даврларида мавжуд бўлган ва бугунги кунда ҳам сақланиб қолаётган барқарор коррупциявий омилларни осон аниқлаш мумкин.

Психологик омиллар коррупциянинг ички ва кўринмас аммо ҳал қилувчи омиллари ҳисобланади. Психологик тадқиқотларда коррупциянинг шахс руҳияти билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилган³⁴. Коррупциянинг психологик жиҳатларига оид тадқиқотларда коррупцияга қарши хулқ-атвор ҳамда компетенцияларни шакллантиришнинг индивидуал-руҳий жиҳатларига алоҳида эътибор берилган.

Коррупциянинг психологик омиллари психик жараёнлар, психологик ҳолатлар ҳамда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб коррупцияга мойилликни ифодалайди. Психологик омиллар коррупциянинг дастлабки шаклланиш нуқтаси ҳақида ўрганишга имкон беради. Бу нуқта инсоннинг ички олами билан боғлиқ бўлиб айни пайтда ушбу ички оламга ташқи таъсирнинг ўрни ҳам катталигини унутмаслик лозим.

Бошқарув билан боғлиқ омиллар асосан давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишга оид гибрид тезисларни ифодалайди. Бунда бошқарувнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, давлат бошқарув органлари фаолиятида шаффофликнинг таъминланганлиги, жамоатчилик назорати учун очиқлиги, маъмурий аппаратнинг “коррупциябардошлиги” каби кўплаб омиллар назарда тутилади.

Бошқарув билан боғлиқ омиллар давлат бошқарувини ташкил этиш жараёнида вужудга келади. Бошқарув билан боғлиқ омиллар кўпроқ шарт-шароитлар сифатида гавдаланади, яъни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароит яратади.

Коррупциянинг давлат бошқаруви билан боғлиқ асосий омиллари сирасига қуйидагилар киради:

давлат органлари очиқлигини ва ҳисобдорлигининг таъминламаганлиги;

давлат органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг заифлиги;

комплаенс назорати тизимининг йўқлиги ва сустлиги;

³³ Кулиган О.В. Исторический опыт государственного и общественного противодействия коррупции в Российской Федерации (1991-2008 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Астрахань, 2012. – 22 с.

³⁴ Будагов Э.С. Психолого-правовые механизмы формирования антикоррупционной компетентности сотрудников УВД: Автореф. дис. ... психологические наук. – Москва, 2012. – 27 с., Киселев В.В. Психологические детерминанты антикоррупционного поведения сотрудников государственной организации: Автореф. дис. ... психологические наук. – Москва, 2016. – 22 с., Печёнкин В.А. Формирование антикоррупционной компетентности государственных служащих: Автореф. дис. ... психологические наук. – Москва, 2012. – 25 с., Пшеничнюк Д.В. Психологические условия формирования у студентов способов распознавания коррупционного поведения: Автореф. дис. ... психологические наук. – Москва, 2017. – 31 с.



давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятидаги хулқ-атоврига қўйилган талабларда коррупцияга қарши мезонларнинг йўқлиги;

манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг мукамал эмаслиги;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишининг йўлга қўйилмаганлиги.

Менталитет ва миллий қадриятлар билан боғлиқ омиллар коррупциянинг шаклланиши, ривожланиши ҳамда ўз мавжудлигини сақлаб қолиши учун муҳим бўлган ижтимоий-психологик жиҳатлар ҳамда қадриятларни ифодалайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияни ижтимоий норма сифатида қабул қилиш унинг мавжуд бўлиши ҳамда сақланиб қолиниши учун энг кучли омил ҳисобланади. Бунда коррупция “мумкин бўлган” қилмиш сифатида тушунилади.

Менталитет ва коррупциявий омиллар тўғрисида манбаларда икки хил қарашлар учрайди. Биринчисида менталитет коррупцияни вужудга келтирувчи омил сифатида³⁵; иккинчисида эса коррупция миллий менталитетнинг таркибий қисми сифатида³⁶ талқин қилинади.

Коррупциянинг менталитет билан боғлиқ омиллари бир томондан бутун миллий жамиятнинг ва иккинчи томондан жамиятдаги ижтимоий тафаккур орқали индивидуал шахснинг коррупцияга мойиллигини ифодалайди. Шу ўринда ўзбек менталитетида коррупцияга мойиллик мавжудлигини ҳам тан олиш лозим ва бу фикрларни миллатни камситиш сифатида ҳам тушуниш керак эмас. Гап шундаги, жамиятда коррупцияга мойиллик узоқ давом этувчи ижтимоий-руҳий жараёнлар таъсирида шаклланади. Бошқача айтганда, коррупцияга мойиллик миллатнинг генида эмас, балки уни ўраб турган ижтимоий муҳит билан боғлиқ. Бу борада Р.К. Курбанованинг йиллар давомида Ўзбекистонда ривожланган коррупция ижтимоий менталитетнинг таркибий қисмига айланганлиги тўғрисидаги фикрига³⁷ тўлиқ қўшиламыз.

Шахснинг мўлжал олишидаги ахлоқий орентациялар бевосита менталитет ва миллий қадриятлар асосида шаклланади. Шу сабабли коррупцияга қарши курашишни миллий менталитетнинг архитектурасини шакллантиришга қаратилган ижтимоий технологиялар жуда муҳимдир. Бундай технологиялар менталитетда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантиради ва парваришлайди.

Шундай қилиб, коррупциявий омиллар, ижтимоий муҳитда, ижтимоий муносабатларда, индивидуал ва ижтимоий онгда ҳатто техник жараёнларда ўз ифодасини топадиган кўп ўлчамли ижтимоий ҳодиса ҳисобланади ҳамда бир-бири билан ўзаро боғлиқликда вужудга келади ҳамда ривожланади.

³⁵ Коррупция зависит от менталитета? // <https://luchecon.livejournal.com/867195.html>.

³⁶ Коррупция как часть традиций и менталитета российского общества // <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43176671>, Политолог Т.Мамырайымов: Коррупция - часть национального менталитета в Казахстане // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31504480&pos=3;-72#pos=3;-72.

³⁷ Курбаниязова Р.К. Давр руҳи ўзгаришларининг ижтимоий менталитетга таъсири: автореф. дис. автореф ... ф.ф.б.ф.д – Тошкент, 2020. – б 18.



Коррупциявий омиллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур омиллар доимо диалектик боғлиқликда бўлади. Ҳар бир омил бошқа бир омиллар билан боғлиқликда вужудга келади ва ривожланади.

Коррупциявий омиллар мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида шаклланар экан бир бирининг шаклланиши учун “занжир реакцияси”ни вужудга келтиради. Масалан иқтисодий омиллар психологик омилларга ёки психологик омиллар иқтисодий омилларга ва улар ўз навбатида ахлоқий қадриятларга таъсир қилади. Мисол учун иш ҳақининг камлиги маълум муддатда ходимда пора олишга бўлган мойилликни шакллантиради, бу мойиллик эса ходимнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига таъсир қилади ва ходимнинг онгида пора олиш мумкин эмас деган таъқиқ хиралаша бошлайди ҳатто пора олиш “уддабуронлик”, “яшаш тарзи” сифатида қабул қилинишгача бориши мумкин. Бу жараёнда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупциявий омиллар, менталитет билан боғлиқ омиллар ҳам ўзини кўрсата бошлайди.

Тадқиқот жараёнида коррупциявий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги босқичларда юз бериши аниқланди:

коррупциявий омилларнинг шаклланишида;

коррупциявий омилларнинг ўз мавжудлигини сақлаб қолишида;

коррупциявий омилларнинг ривожланиши ва янги гибрид омилларни вужудга келтиришда (Масалан, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланмаганлиги).

Коррупцияга қарши курашишга оид фанлар STEM фанлари (фан, технология, муҳандислик ва математика) сингари ягона блокка бирлашган бўлиши лозим.

Бироқ бугунги кунда коррупцияга оид ёндашувлар фақат илмий тадқиқот («Коррупция муаммолари» (12.00.12) соҳасидагина бирлашган. Аммо бу ҳам тўлиқ эмас. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан юридик фанлар, техника фанлари, иқтисодиёт фанлари, психология фанлари ва социология фанлари доирасида “12.00.12 – Коррупция муаммолари” ихтисослигининг киритилиши коррупция масалаларини фанлараро тугал тадқиқ этиш имконини беради. Шу билан бирга биз ушбу ихтисослик таркибига яна фалсафа, сиёсатшунослик ҳамда педагогика фанларининг ҳам киритилиши лозим деб ўйлаймиз.

References:

1. J. Shirinov. Korruptsiyaga qarshi kurashish daparlamentning roli // <https://uacd.uz/index.php/journal/article/view/54/55>
2. Коррупция ҳолати ва омиллари тўғрисида жамоатчилик фикри ўрганилди (1-қисм) // <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/17/korruptsiya-holati-va-omillari-togrisida-zhamoatchilik-fikri-organildi-1-maqola>.
3. «Вымогательства сексуальных услуг» (или сексторшн от англ. sextortion) // <https://transparency.org.ru/research/drugie-issledovaniya/vymogatelstvo-seksualnykh-uslug-ostaetsya-beznakazannym-vo-vsem-mire-doklad-transparency-international>.
4. Brigitte Zimmerman. Transparency, Sanctioning Capacity, and Corruption Displacement: Multi-Method Evidence from Local Government in Malawi //



https://escholarship.org/content/qt0q7490dw/qt0q7490dw_noSplash_fa8dfb5f2ac45b81d761ede4a2adc372.pdf.

5. Юсупов Ю. Особенности национальной коррупции, или как победить чиновничий «бизнес» в Узбекистане // <https://kun.uz/ru/news/2019/01/26/osobennosti-natsionalnoy-korrupsiy-ili-kak-pobedit-chinovnichiy-biznes-v-uzbekistane>.

6. Урф-одатларимиз коррупция учун ниқоб бўляпти // <https://kun.uz/news/2022/03/20/urf-odatlarimiz-korrupsiya-uchun-niqob-bolyapti-ekspert-bilan-suhbat>.

7. Қозоғистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан жамиятда коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш, коррупциянинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фош этиш, уларга чек қўйиш, тергов қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолияти сифатида белгиланган. (Россия Федерцияси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон Республикаларининг ҳам тегишли қонунларида “коррупцияга қарши курашиш” тушунчаларининг таърифи берилган).

8. Лопатин В.Н. О системном подходе в антикоррупционной политике / В.Н. Лопатин // Государство и право. – 2001. – № 7. – С. 23.

9. Исроилов Б.И., Гадов Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. Тошкент, 2019. – б. 29.

10. Глоссарий юридических терминов по антикоррупционной тематике : словарь-справочник / сост. Н.А. Власенко, А.М. Цирин, Е.И. Спектор [и др.]. — М. : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2016. — с. 52., Коррупциогенные факторы: понятие, виды, проблемы их практического применения // <https://www.airmgn.ru/pravovaya-informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/21-passengers/informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/142-korrupsiogennye-factory-teoriya-i-praktika-primeneniya>, <file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennye-factory-ponyatie-vidy-problemy-ih-prakticheskogo-primeneniya.pdf>, Барабаш О.В. «Коррупциогенный фактор» как юридический термин: структура, содержание, дефиниция // [file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennyy-faktor-kak-yuridicheskiy-termin-struktura-soderzhanie-definititsiya%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiogennyy-faktor-kak-yuridicheskiy-termin-struktura-soderzhanie-definititsiya%20(1).pdf).